

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАМРОЕВ ҒОФИР ҲАСАНОВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОНЕТИКАГА ДОИР ЎҚУВ  
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
докторска философии(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of  
philosophy(PhD) on pedagogical sciences**

**Хамроев Гофир Хасанович**

Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг  
методик таъминотини такомиллаштириш ..... 3

**Хамроев Гофир Хасанович**

Совершенствование методического обеспечения учебных материалов по  
фонетике в системе общего среднего образования ..... 25

**Khamroev Gofir Khasanovich**

Developing of methodic equipment of teaching materials about phonetics in the  
system of secondary education ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАМРОЕВ ҒОФИР ҲАСАНОВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОНЕТИКАГА ДОИР ЎҚУВ  
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ped354 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Ибодулла Камолович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Матчанов Сапа**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Менглиев Бахтиёр Ражабович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz))

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор.

**М.А.Файзиев,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.Ш.Шодиев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёни тезлашаётган бир пайтда тилларни асраш, уларни такомиллаштириш ва ўқитиш масалалари долзарб бўлиб бормоқда. Бугунги кунга келиб тил таълимига доир турли интерфаол усуллар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Ҳар қандай тилнинг асосини унинг товушлар тизими, яъни фонетикаси ташкил қилади. Инглиз, француз, немис ва бошқа ривожланган хорижий тилларни ўқитишга доир илмий адабиётларда фонетикага, хусусан, талаффузга алоҳида эътибор берилади ва таълим жараёнида фонетик машқлардан унумли фойдаланилади. Дунё тажрибасида талаффуз машқлари бир бўлим ёки бир мавзу билан тугаб қолмайди. Дарсликларда келтирилган машқ турлари ўқувчида тўғри талаффуз кўникмаларининг осонгина шаклланишига олиб келади.

Дунёда тилларни ўқитиш компетенциявий ёндашувга асосланган бўлиб, дарс жараёнида лингвистик компетенцияларни шакллантириш нутқий компетенцияларнинг ривожланишига олиб келади. Шу ўринда чет тилларни ўқитиш билан она тилини ўқитиш мақсадлари маълум маънода фарқ қилишини, уларни бир чизикда тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Шунга қарамай, инглиз тилини ўрганиш бўйича белгиланган даражалар она тилига ҳам татбиқ қилинмоқда. Тил ўрганишга қўйилган мазкур талаблар асосида тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш малакалари шаклланади. Бундай ёндашувдан ижодий фойдаланиб, она тили дарсларини ҳам самарали ташкил этиш мумкин. Ривожланган давлатларнинг тил ўқитиш методикасида гапириш (speaking), ёзиш (writing) каби машғулотлар, асосан, машққа таянади, машқ ва топшириқ аниқ фарқланади, ўз ўрнида ишлатилади. Шу сабабли уларнинг тил ўрганиш компетентлиги юқоридир. Шунингдек, PISA, PIRLS каби халқаро баҳолаш тизимлари орқали дунёнинг кўплаб давлатларида ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги аниқланмоқда.

Республикамизда ҳам она тили ўқитиш компетенциявий ёндашувга асосланди. Умумий ўрта таълим тизимидаги фонетикага доир ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш, унинг натижасида имловий саводхонликни ошириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Фонетика ўқитиш орқали ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш зарур. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>1</sup>, – деб таъкидланиши она тили таълими олдида мамлакатимиз ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.

тарбиялашдек долзарб вазифаларни кўяди. Шу маънода умумий ўрта таълим тизимида фонетика ўқитиш орқали ўқувчиларда нутқий ҳамда лингвистик компетенцияларни, хусусан, адабий талаффуз кўникмасини тўла шакллантириш, имловий саводхонликни ривожлантириш, сўз бойлигининг ошишига замин яратиш ва мустақил фикрлашга ўргатиш учун фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Она тили ўқитиш методикасида кейинги йилларда бир қатор илмий-методик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Ш.Юсупова<sup>2</sup> ва Н.Юлдашева<sup>3</sup> кабилар ўз тадқиқотларида она тилини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни тарғиб қилган. А.Ғуломов<sup>4</sup>, М.Саидов<sup>5</sup> ва Н.Алавуллоновалар<sup>6</sup> эса она тили ўқитиш орқали мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш методикаси устида изланишлар олиб борган.

Фонетика ўқитиш масасаласи эса, жуда кам ўрганилган мавзулардан ҳисобланади. Х.Муҳиддинова фонетикани рус гуруҳларида ўқитишда дастур ва дарсликлар мазмунидаги узлуксизлик масаласига асосий эътиборини

---

2 Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини ошириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш: пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ. –Т.,1998.– 137 б.

3 Юлдашева Н. Умумий ўрта таълим мактабларида луғавий синонимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси: пед.фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилан дисс.–Т., 2002. –123б.

4 Гулямов А. Методика развития учебно - познавательной активности учащихся в процессе преподавания родного (узбекского) языка: Дис. док. пед. наук. –Т.: ТГПИ, 1991. – 37 б.

5 Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. –Тошкент, 2000.– 25 б.

6 Алавуллонова Н. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. – Т., 2008.– 24 б.

қаратади<sup>7</sup>. Ҳ.Мирзоҳидова ўзбек мактабларида фонетика ўқитишни қирғиз тилига қиёслаб, қардош тилларга таққослаб тушунтиришнинг қулайликлари ҳақида фикр юритади<sup>8</sup>.

М.Саидов ўзининг ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикасига доир тадқиқот ишида она тилининг “Муқаддима”, “Лексика” бўлимлари қатори “Фонетика” бўлимини ўқитиш масаласига ҳам қисман тўхталиб ўтган. Унда фонетика ўқитиш жараёнида, асосан, машқ ва топшириқларни тафаккурни ривожлантиришга йўналтириш кўзда тутилган. Аммо фонетика ўқитишнинг бирламчи вазифаси, яъни адабий талаффузга ўргатиш, талаффуз машқлари, талаффузнинг имлога таъсири кабилар эътибордан четда қолган. Мазкур тадқиқотда фонетикага доир ўқув материаллари мазмуни, усул ва воситаларини такомиллаштириш, ўқувчиларда бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш методикасига доир масалалар ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот Самарқанд давлат университетининг “Тил ва адабиёт ўқитиш муаммолари” мавзусидаги тадқиқот режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларнинг методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим тизимида фонетика ўқитишнинг бугунги аҳволини ўрганиш ва унинг она тили таълимида тутган ўрнини белгилаш;

дарсликлардаги фонетикага оид ўқув материалларининг ДТС ҳамда дастур талабларига мослигини қиёсий ўрганиш, шунингдек, уларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва ечимларини топишга ҳаракат қилиш;

фонетикани ўқитиш орқали ўқувчиларда адабий талаффузни шакллантириш, имловий саводхонликни, сўз бойлигини ошириб бориш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмун, усул, воситаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

ўқувчилар фонетика ўқитиш жараёнида қайси ўқув материални фақат ўқиб тушуниб олиши ва қайсиларини қатъий ёддан билиши лозимлиги аниқлаш, фонетика ўқитишда қандай метод, усул ва технологиялардан фойдаланиш муҳимлигини аниқлаш;

ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни тажрибада синаб кўриш ва олинган натижаларни статистик таҳлилга тортиш.

**Тадқиқотнинг объекти** умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфларида фонетика бўлимини ўқитиш жараёни ҳисобланади.

---

7 Муҳиддинова Х. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ –Тошкент, 2011. -270 б

8 Мирзоҳидова Х. Ўзбек мактабларида фонетикани қирғиз тилига қиёслаб ўрганиш: пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ –Тошкент, 1998. -143 б.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминоти мазмуни, усуллари, тизими ва технологиясини такомиллаштириш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, суҳбат, статистик таҳлил, интервью, анкета-сўровномалари, педагогик тажриба-синов каби бир қатор усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фонетика ўқитиш жараёнида талаффузи ва имлоси қийин нутқ товушларини ўзлаштиришда одатлантирувчи машқлардан фойдаланиш адабий талаффуз кўникмасини ривожлантириб, имловий саводхонликни оширган;

фонетикага доир ўқув материалларини такомиллаштиришда талаффузнинг ҳудудий муаммолари инобатга олиниб, фонетик таҳлил учун танланган ўқув материаллари полифоник, полифункционал бўлганда самарадорлик юқори бўлиши исботланган;

машқ ва топшириқ тушунчалари компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан фарқланиб, уларнинг асосий қўлланилиш ўринлари белгилаб берилган; нутқий компетенцияни ривожлантириш учун фонетика бўлимини ўқитиш жараёнида ўқувчилар қатъий ёд олиши лозим бўлган ва ёддан билиши лозим бўлмаган ўқув материалларининг чегараси аниқлаган;

фонетикага доир ўқув материаллари методик таъминотининг мазмун, усул ва воситалари фонетик компетенцияни ривожлантириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимининг 5-синфлари учун махсус фонетик машқ ва топшириқлар тизими амалиётга жорий этилган;

умумий ўрта таълим мактабларида фонетика ўқитиш орқали ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш, имловий саводхонлик, сўз бойлигини ошириш ва мустақил ишлай олиш каби нутқий кўникмаларни комплекс шакллантириш технологияси ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинган;

она тили ўқитувчиларининг фонетика ўқитишга доир кўникма ва малакалари, дарс жараёнида самарали ўқув материалларидан фойдаланиш методикаси жорий қилинган;

тадқиқот натижаларидан компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС ва ўқув дастурлари, шунингдек, дарсликлар яратишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбаларга алоқадорлиги, келтирилган таҳлил ҳамда тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари орқали асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика ва таълим тарихини ўрганишда, она тили ўқитиш методикасини такомиллаштиришда, фонетиканинг таълимда тутган ўрнини белгилашда муҳим назарий аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур диссертацияда акс этган назарий қарашлар шу йўналишдаги янги тадқиқотлар учун манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда илгари сурилган ғоялар, назарий қараш ва амалий тавсиялар “Она тили” дарсликлари, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда манба бўла олади. Олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида “Она тили ўқитиш методикаси” фанидан маъруза матнлари тузишда материал бўлиб хизмат қилиши, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчиларига фонетика бўлимини янада мукамал ўқитишда муҳим қўлланма бўлиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқотлар асосида:

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим мактабларининг она тили ва адабиёт фани бўйича малака талабларини ишлаб чиқишда диссертация хулосалари, таклиф ва тавсияларидан фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 21 февралдаги 01-02/2-2-61-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материаларининг ДТС, дастур ва дарсликлардаги мазмуни такомиллаштирилган;

Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси томонидан намоиш этилган “Таълим ислохотлари”, “Жараён” каби кўрсатувларни тайёрлашда, ёш суҳандонларнинг адабий талаффуз кўникмаларини ривожлантиришда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 6 декабрдаги 09-02/512-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмийлиги ва долзарблиги ошган, кенг жамоатчиликнинг она тилига эътиборли бўлиш, адабий талаффуз ва имловий саводхонлик каби кўникма ва малакаларини ривожлантиришга эришилган;

ўқувчиларни адабий талаффузга ўргатиш, имловий саводхонлиги ва сўз бойлигини оширишга доир ўқув қўлланма тайёрланиб, амалиётга жорий этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 21 февралдаги 01-02/2-2-61-сон маълумотномаси). Натижада махсус машқ ва топшириқлар орқали ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмалари сезиларли шаклланган, имловий хатолар камайган ва сўз бойлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мазмунига доир мақола ва тезислар билан 20 га яқин республика ҳамда хорижий (2 таси) илмий-амалий конференцияларда иштирок этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари ОАК эътироф этган жами 8та (шундан 2 таси хорижий) илмий журналда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Умумий ҳажми 144 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фонетикага доир ўқув материалларини такомиллаштириш заруратлари”** хақида. 1.1. § “Фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида” деб номланган. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиргани, хусусан, она тили таълими мазмуни янгилангани бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўламини белгилаб берди. Бу борада Биринчи Президентимиз тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп ишлар қилиш лозимлигини, айниқса, баъзи расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини кўшиб гапириш ҳолатлари учраб туришини, бу масаланинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганлигини қатъий таъкидлаган эди.<sup>9</sup>

Ҳолбуки, ўзбек тилининг фонетик қурилиши жуда мураккаб, уни ўзлаштириш нафақат хорижликлардан, балки ўзбеклардан ҳам катта чидам ва сабот билан ишлашни талаб қилади. Акс ҳолда, айрим ўқитувчилар, ҳатто теле ва радио бошловчилар бугунги кунда ўз нутқларида ғайритабиий талаффузлардан фойдаланмаган бўларди.

Ҳар бир тилда талаффуз ва имлоси муаммо бўлган нутқ товушлари мавжуд. Ўзбек тилида унли товушлардан, асосан, **у-ў, и-э** ва ундошлардан **х-ҳ қ, нг** каби товушларнинг айтилиши ва ёзилишида ўқувчилар, барча соҳа вакиллари, энг ачинарлиси, айрим мутахассис-ўқитувчилар ҳам мунтазам хатога йўл қўяди. Адабий талаффузнинг асоси бўлган урғу масаласи ҳам фонетика ўқитишнинг мураккаб мавзуларидан ҳисобланади.

Илмий методик нашрларда ҳам тил бирликларининг ўқитилишига доир жуда кўп эътиборга лойиқ тавсиялар, мулоҳазалар учрайди, аммо негадир фонетик материаллар ва уларнинг ўқитилиши алоҳида тадқиқ қилинмай келинмоқда. Кузатишлардан маълум бўлишича, дастлабки “Она тили” дарсликларида ҳам, бугунги кунда мустақил, ижодий фикрлашга йўналтирилган янги дарслик ва қўлланмаларда ҳам нутқ товушларини мукамал ўрганишни таъминловчи махсус фонетик машқларга алоҳида эътибор қилинмайди.

“Она тили” дарсликларида тўғри талаффуз ва имло меъёрларини кўникма сифатида шакллантириш борасида кўплаб ўқув топшириқлари,

<sup>9</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т., 2008. 51-б.

турли тушунтиришлар берилади. Аммо айрим товушларнинг адабий талаффузи ва имлосини ўқувчига ўргатиш қийинлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабаби “Она тили” дарсликларида, шунингдек, фонетика ўқитиш жараёнида фаол қўлланаётган **машқларнинг топшириқлардан жиддий фарқланмаётганидир**. Она тили ўқитиш методикасида машқ, топшириқ ва масала тушунчалари педагогик категория сифатида фарқланган. Аммо негадир бугунги кунгача талаффуз ва имлодаги муаммолар камайиш ўрнига ривожланишда давом этмоқда. Нутқий компетенцияни шакллантириш нуқтаи назаридан, айниқса, фонетика ўқитишда мустақамловчи ўқув материаллари ҳисобланган машқ ва топшириқ категорияларини мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, дидактик жиҳатдан фарқлаш ва такомиллаштириш лозим.

Методист олим М.Саидов таълим мазмуни сирасида ўқув топшириқларини уч турга бўлиб, уларни ўзаро фарқлайди. Жумладан, ўқитувчилар ўз иш фаолиятларида “машқ”, “топшириқ” ва “масала” тушунчаларини қориштириб юборишларини таъкидлайди. Дастлабки икки атама борасида она тили ўқитиш методикасида икки хил қараш мавжуд. Г.Азизов, О.Ботиров кабилар машқни топшириқнинг бир шакли, деб ҳисобласа, Ё.Ғуломов, Ҳ.Рустамов, Б.Мирзааҳмедовлар уни ўқитиш методи сифатида талқин қиладилар.

М.Саидов педагогика фанлари доктори А.Ғуломовнинг “машқ ҳам ўқув топшириғининг бир шакли, ҳам ўқитишнинг муайян бир усули,” деган фикрига қўшилади ва топшириқ машқнинг бир бўлаги, у, асосан, машқнинг шартида ўз ифодасини топишини, топшириқ машққа қараганда торроқ тушунчани ифодалашини эътироф этади<sup>10</sup>.

Ушбу тадқиқотда эса топшириқ машқни ўз ичига олади, деган бошқача ёндашувни илгари суриб, топшириқлар ўқувчини йўналтиради, машқда бундай хусусият мавжуд эмас, машқлар малака ҳосил қилиш учун хизмат қилади, деган фикр асос қилиб олинган. Мазкур атамаларнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ва “Педагогика энциклопедияси”даги таърифлари диссертация матнида батафсил берилган.(18-19 бетлар)

Ҳар бир атама ўз мазмун-моҳиятига эга. Уларга нутқий малакани шакллантириш нуқтаи назаридан қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Машқ муайян ҳаракат ёки фаолиятни бир неча бор айнан такрорлаш орқали шу машғулотдан кўзланган кўникма ва малакага эга бўлиш механизми, топшириқ эса кишининг, жумладан, ўқувчининг зиммасига мавзу юзасидан мустақамлаш мақсадида бир марта бажариш учун бериладиган иш, вазифа.

Топшириқлар, асосан, лингвистик компетенцияни шакллантиришга, билим олишга хизмат қилади, машқлар эса нутқий компетенцияни ҳосил қилади. Шунинг учун уларнинг қўлланиш ўринларини ҳам аниқлаб олиш жуда муҳим.

Умумий ўрта таълим тизимида 5-синфдан бошлаб талаффузнинг асосий

---

10 Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. –Тошкент. 2000.-25 б.

бирлиги ҳисобланган нутқ товушлари фонетика мавзусида тизим сифатида ўрганилади. Уни ўрганишга дастурда 33 соат ажратилган. Дарсликда нутқ товушлари билан бирга тўғри талаффуз ҳамда имло қоидалари ҳақида маълумотлар ҳам келтирилади. Зеро, фонетикани орфоэпия ва орфографиядан ажратиб бўлмайди. Мазкур бўлимни ўқитишда, асосан, машқлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Адабий талаффузнинг шаклланишига, асосан, ҳудудий сўзлашиш муҳити, умумхалқ тили ҳисобланган шева ва лаҳжалар халақит беради. Дастур ва дарсликлар тузишда қайси ҳудудда қайси товушлар талаффузи бўйича муаммо борлиги эътиборга олинishi керак. Шу маънода имкон қадар талаффузи ва имлоси қийин унли ва ундошлар билан машқлар асосида ишлашга кўпроқ соат ажратилиши лозим.

Масалан, Хоразм воҳасида **қ** ундоши ўрнида **к** товуши кўникмага айланиб қолган. Бу ерлик ўқувчига адабий талаффуз меъёрларини ўргатишда дарсликда берилган топшириқ характеридаги иккита машқ камлик қилади.

Тошкент вилояти, хусусан, шаҳар ҳудудида оммавий тарзда **ҳ** бўғиз ундоши ўрнида мунтазам **х** чуқур тил орқа ундошининг ишлатилиши (хандалей, хурмат, хамма ва б.) шунингдек, Бухоро, Самарданд (шаҳар ҳудудида), Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларида ў унлисининг талаффузида муаммо борлигини айтиш мумкин.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Ургут туманларида **и** – **э** унлиларининг талаффузида (эшик – **и**шик) чалкашлик бор. Нуробод тумани ўқувчилари (ўқитувчилари ҳам) **у** унлисини адабий меъёрда талаффуз қила олмайди. Масалан, **бугун** сўзини (**бигин**), **ука** сўзини (**ика**), **учун** сўзини (**ичин**) тарзида талаффуз қилади. Бу имлога таъсир қилиб, ёзувда ҳам акс этмоқда. Худди шундай Каттақўрғон туманида **ў** – **у** унлиларининг ишлатилишида тушунмовчилик мавжуд. Бу ҳудудда яшовчи ўқувчилар, ҳатто ўқитувчилар ҳам **ў** унлисини **у**, **у** унлисини **ў** деб талаффуз қилиши кузатилади.

Кўриниб турибдики, 5-синф “Она тили” дарсликларида юқорида келтирилган товушларни ўзлаштиришга мўлжалланган назарий маълумотлар ва уларни мустаҳкамловчи машқлар етарли эмас. Мазкур товушларнинг санаб ўтилган ҳудуднинг, аввало, ўқувчилари, қолаверса, ўқитувчилари нутқида адабий меъёр ҳолатига келтиришда тўсқинлик қилаётган унсурларни, уларнинг сабабини аниқлаш ва бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

1.2. § “Фонетикага доир ўқув материаллар мазмуни ва унинг такомиллашиш жараёни” деб номланган иккинчи фаслда “Она тили” дарсликлари тарихи, улардаги фонетик материалларнинг берилиши қиёсий-тарихий аспектда ўрганилди.

“Она тили” дарсликларида берилган назарий маълумотлар орасидаги айрим чалкашлик, ноаниқликларни бартараф этиш, ўқув материалини дарсликларда қай тарзда бериш мақсадга мувофиқ эканлиги билан боғлиқ масалалар ҳали ўз ечимини тўлиқ топган эмас. Бу масалани ҳал этишда тарихий нуқтаи назардан ёндашиш тўғри бўлади. “Она тили” дарсликларида

мавжуд назарий маълумотлар ва мустаҳкамловчи машқ ҳамда топшириқлар қачондан бошлаб умумтаълим мактаб дарсликларига киритилган, деган савол атрофида мулоҳаза юритилди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан то бугунги кунгача яратилган “Она тили” дарсликларининг мазмун-мундарижаси фонетикага доир ўқув материалларнинг берилиши нуқтаи назаридан ўрганилди. (Қаранг: дисс. 26–38-б.)

1.3. § “Она тили” дастур ва дарсликларининг фонетикага доир ўқув материаллари юзасидан таҳлили, такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар” деб номланган. Унда бугун амалда бўлган Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, В.Қодиров ва З.Жўраевалар томонидан тузилган умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун “Она тили” дарслиги, дастурлар мазмуни фонетикага доир ўқув материалларининг берилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. (Қаранг: дисс. 39-48-б.)

Компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари бўйича тузилган дастурда фонетикага доир ўқув материалларига ажратилган дарс соатлари камлик қилади.

35–36-мавзулар “Нутқ товушларининг маъно фарқлаш вазифаси”, “Айрим унлилар талаффузи ва имлоси.” “у ва и унлиларининг талаффузи ва имлоси”га бағишланган. Агар ўқитувчи у ва и эмас, и ва е унлиларини бир дарсда бир-биридан талаффуз асосида фарқлаб ўргатса, керакли натижага эришиш мумкин. Чунки ўқувчи и билан э ни фарқламайди (эт-ит, эл-ил, эълон-илон, эс-ис).

Дастурда 37–38-мавзулар “А ва О, Ў унлиларининг талаффузи ва имлоси, қатор келган унлилар талаффузи ва имлоси” учун 2 соат ажратилган. Ў унлисининг ўзига 2 соат ажратилиши лозим. Чунки унинг талаффузи ва имлоси мураккаб бўлиб алоҳида шуғулланиш талаб қилинади.

Дастур ва дарсликларда 32-мавзу юзасидан оғзаки ва ёзма нутқ тушунчалари ҳақида фақат маълумот, таъриф киритилган. Шу ўринда дарсликда адабий тилнинг ўқувчи ҳаётидаги аҳамияти, адабий талаффузнинг ўрни ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам берилиши керак.

Урғу ва унинг турлари, сўз урғусига 2 соат ажратилган. Чуқурлаштирилган синфларда 4 соат. Буни ҳамма даражалар учун бир хилда 4 соатга мўлжаллаш керак, чунки урғу барча ўқувчилар учун ўта зарур бўлган мавзу ҳисобланади.

Дастурда 43–45-мавзулар б, м ундошларидан олдин келган н ундошининг талаффузи ва имлоси, Жж (дж) ундошининг талаффузи ва имлоси, Х х ва Ҳ ҳ ундошларининг талаффузи ва имлосига жами 3 соат ажратилган. Охирги икки ундош товушнинг талаффузи ва имлосидаги муаммо ва чалкашликлар устида ишлаш учун 2 соат камлик қилади. х ва ҳ ундошларини алоҳида мавзу қилиб бериш керак. Чунки ўқувчилар, асосан, талаффуз ва имлода шу икки товушни фарқлай олмайди.

Ўқувчиларда нутқий ва лингвистик компетенцияларни такомиллаштирилган топшириқлар асосида шакллантириш мумкин. Бу борада диссертациянинг 49-55-бетларидаги ишлаб чиқилган тавсиялар кўл келади.

**Ишнинг иккинчи боби “Фонетикага доир ўқув материалларини тизимли такомиллаштириш мазмуни”** ҳақида. 2.1. § “Фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштиришни ташкил этиш мазмуни” деб номланган. Умумтаълим мактабларида фонетика ўқитишнинг самарали бўлишига эришиш учун ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш зарур. Шу ўринда ўқувчига таҳлил учун берилган машқ, ёки топшириқ мазмуни оддий хабар эмас, балки ҳикматлар, иборалар, тасвирий ифодалар, яшаш қоидаларига тенг бўлган халқ мақоллари, халқ дostonларидан зарур парчалар шаклида бўлса, бир пайтнинг ўзида дарснинг тарбиявийлик мақсади ҳам амалга ошади.

Бугунги кунда таълим жараёнига турли янги педагогик технологиялар татбиқ қилинмоқда. Бироқ она тили таълимида шундай мавзулар бўладими, уларни ўқитишда дидактик ўйинлардан кўра амалий ишлаш орқали керакли натижаларга эришиш мумкин. Таъкидлаш керакки, талаффузнинг имлога ва аксинча, ёзувнинг оғзаки нутққа таъсири бўлиши табиий. Фан-техника қанчалик шиддат билан ривожланмасин, барибир, ёзма нутқ муҳим бўлиб қолаверади. Бугунги кунда ўқувчилар нутқида имловий хатолар жуда кўп учраётганининг сабаби ҳам фонетика ўқитиш, талаффуз масаласи билан бевосита боғлиқдир.

Ўқувчилар ўз она тилидан маҳорат билан самарали фойдалана олса, ўз фикрларини таъсирчан, тушунарли баён қила олса, аждодлардан қолган бой илмий, бадиий меросни чуқур англаш даражасида ўз тилини билса, ана шунда она тили таълими ўз мақсадига эришган бўлади. Бунинг учун она тили дарсларида фойдаланиладиган ўқув материаллари ниҳоятда пухта ишланган бўлиши, кўникмаларни комплекс тарзда шакллантириш имкониятига эга бўлиши лозим. Бир пайтнинг ўзида ҳам талаффуз, ҳам имло, ҳам сўз бойлигини ошириш, қолаверса, мустақил фикрлашга йўналтиришга шароит яратиш такрорланиш жараёнини ҳосил қилади, бу эса нутқий маҳоратни оширади.

Аслида она тили дарсларининг асосий мақсади бўлган ўқувчиларда нутқий малакаларнинг шаклланишига замин яратувчи фонетика, орфография, орфоэпия, пунктуация бўлимларини ўқитишда машқлардан мунтазам фойдаланиш, қолган бўлимларни эса, топшириқлар асосида ўқитиш самаралироқ натижа беради.

Аввало, бошланғич синф “Она тили” дарсликларида талаффуз ва имло қоидаларига алоҳида ўрин берилиши, талаффуз устида ишлаш кейинги синфларда ҳам узлуксиз давом эттирилиши лозим. Зеро, хуснихат, чиройли ва таъсирчан талаффуз маданиятлилик белгисидир.

Ўқувчи ўз фикрини гўзал ва лўнда ифода этиши учун, албатта, кенг дунёқараш, етарли сўз бойлигига эга бўлиш билан бирга халқнинг миллий руҳи сингдирилган пурҳикмат мақол ва маталларини ҳам билиши, уларни ўз ўрнида ишлата олиши керак. Ишда фонетикага доир ўқув материаллари мазмуни сифатида улардан унумли фойдаланилди.

Фонетикага доир ўқув материалларнинг методик таъминотини такомиллаштириш мазмуни қуйидагича :

Дарслик (назарий маълумотлар ва уни мустаҳкамловчи машқ ва топшириқлар)

Технология: “Ҳамкорлик”.

Методлар : “Қиёслаш”, “Кластер”, “Ақлий ҳужум”.

Усуллар: “Домино”, “Занжир”, “Ўрнини топ”, “Жуфтини биласизми?” кабилардан ижодий фойдаланилди.

Иккинчи боб 2.2.§ “Машқ ва топшириқлар тизими фонетик таълим самарадорлигининг асоси” деб номланган. Машқ кўникма ва малакаларни шакллантиради. Такрорга асосланган том маънодаги талаффуз машқлари, шунингдек оксимографик расмлар асосидаги фонетик машқлар, имлога доир саводхонлик машқлари ушбу фаслдан ўрин олган. (Қаранг: дисс. 69–79-б.)

Масалан, “Урғу” мавзусини тушунтириш учун истаганча таъриф келтирган билан кутилган натижага эришиш қийин. Лекин ўзбек тили урғусини рус, немис ёки бўлмаса инглиз тилларидан биридаги сўз урғуси билан солиштирсангиз, дарҳол тушунча ҳосил бўлади: (болалар, ребята, children), яъни ўзбек тилида урғу, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Бошқа тилларда эса, аксинча.

Нафақат урғу, балки бутун фонетикани қиёслаш усули билан ўқитиш яхши самара беради. Талаффуз машқлари ҳам қиёслаш усулида олиб борилади:

1-машқ. Тўғри талаффуз қилишни машқ қилинг.

Она (маргарин) – она́ (ойи); Самара (жой номи) – самара́ (натижа)

Академик (олим) – академíк (лицей); Алишер – Пу`шкин

Дарс жараёнида икки тил товушлари таққосланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгаллиги ўқитилади. Тиллар ўртасидаги фонетик фарқ ва ўхшашликлар айтилади. Мисол учун қ, х, ғ, ў ва нг товушларининг рус тилида йўқлиги, алифбодаги фарқлар, инглиз тилида икки унлининг бир ўринда келиб талаффузда бошқа унли товуш сифатида айтилиши (good, book, choose, meet) ёки бўлмаса сўз охирида е унлисининг ўзак таркибидаги бирор унлига қўшиб ўқилиши (take [тейк] ) кабиларни тушунтиришда ўзбек тилига хос жаранглиларнинг айтилишда жарангсизлашуви, баъзи бурун товушларининг ҳам бошқача талаффуз этилиши (танбур-тамбур), оғзаки нутқда баъзи сўзларда охириги товушнинг тушиб қолиши (Самарқанд-Самарқан, гўшт- гўш, баланд-балан...), бўғин ходисасидаги фарқлар, умуман, товушларнинг айтилиши ва ёзилишидаги мувофиқ ва номувофиқликлар ўрни билан таққослаб борилади. Бу жараёнда ўқувчи дарснинг фаол иштирокчисига айланади, қолаверса, секин-аста қиёслашни ўзи давом эттира бошлайди. Зеро таққослаш – ўқувчида мустақил фикрлаш кўникмасини ҳам шакллантиради. Бу эса бугунги таълимнинг мақсадини ташкил этади. Ўқувчида солиштириш жараёнида ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган жиҳатлари ҳақида тушунча пайдо бўлгач, ўз тилидан фахрланиш, шунинг баробарида, унда миллий ғурур ҳам шаклланиб боради.

Товуш ҳар бир тилнинг ўзаги, мағзи ҳисобланади. Бинобарин, шу тарзда ўқувчи фонетикани ўрганиб олса, тилнинг кейинги сатҳларини мустақил равишда муқояса қила олади ва тилларни тез ўрганиб бораверади.

**Фонетик машқларда қиёслаш усулини қўллаш.** Агар ўзбек тили иккинчи тил ёки давлат тили сифатида ўқитилаётган бўлса, машқлар қаторини ўқувчининг тилидаги товушлар билан ҳам давом эттириш мумкин: масалан, қиёсланг:

|           |           |          |
|-----------|-----------|----------|
| bol–боль  | but– быть | kon–конь |
| sol –соль | tut– тут  | ton–тон  |
| son– сон  | tush–тушь | tok–ток  |
| ton–тон   | shum–шум  | dom–дом  |


Бундай машқлар биринчидан, ўқувчида адабий талаффузни шакллантиради, иккинчидан, ўқувчини рус тили бўйича билимларини ҳам бойитади. Қолаверса, ўқитувчи бу машқдаги сўзларни намуна сифатида талаффуз қилиб бераётганда сўзларнинг маъносини ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилиб, синонимлардан фойдаланади, натижада сўз бойлигининг ҳам ошишига эришилади. Ёки талаффуз машқи тугагач, ўқувчиларнинг ўзларига ўзбекча сўзларга маъноси тўғри келувчи бошқа сўзлар топиш топшириғи берилса, мустақил ишлашга, фикрлашга олдин ўрганилганларни амалиётда қўллашга шароит яратилади.

Х ва Ҳ товушларининг талаффузида қиёслаш усулини қўллаш. Ҳ – бўғиз ундоши билан х – чуқур тил орқа ундошининг баъзан имлода, асосан, талаффузда алмаштириб, хато қўлланилишига жуда кўп гувоҳ бўлиш мумкин. Бу борада кўплаб методик тавсиялар, ҳатто махсус луғатлар яратилган бўлса-да, сезиларли натижа йўқ.


Агар видеопроектор (имкони бўлмаса, плакатларга тушириб олиш ҳам мумкин) орқали махсус фонетик машқлар ва шу товушлар талаффуз ҳолати акс этган оксимографик тасвирлардан фойдаланилса, натижа ижобийга ўзгариши мумкин. (Қаранг: дисс. 49–50-б. 2.2-расм).

Нутқий малакаларни шакллантиришда куйидаги махсус расмлар асосидаги талаффуз машқларидан мунтазам фойдаланиш яхши самара беради:

2.1-расм



2.2-расм



Талаффуз қилинг.

ҳ-ҳ-ҳ-ҳ-ҳ-ҳ

ҳам- (1) боғловчи, 2) юклама)

ҳамма-(барча, жами )

ҳил-(буғ)

ҳуш- (ес, ақл)

х-х-х-х-х-х

ҳам-(эгик)

ҳамма-(буғдой ўра)

ҳил-(тур)

ҳуш- (яхши, ажойиб)



шоҳ- (подшоҳ)

ҳол- (аҳвол)

шоҳ- (1) новда, 2) аъзо)

хол- (менг, танадаги белги)

Ўқитувчи шу ҳолатни видеопроектор орқали (унинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли синфдаги барча ўқувчи тасвирни яққол кўриб туради ва бу энг муҳимидир) батафсил изоҳлаб, шу асосда тўғри талаффуз қилиб бера олса, натижа исталгандек бўлади. Сўнг мустаҳкамлаш учун бирор матн, масалан, Муҳаммад Юсуфнинг “Илм истанг” шеъри ҳ ва х ҳарфлари туширилган ҳолда экранга чиқарилса, ўқувчилар мустақил равишда ўрганганларини амалиётда қўллаб кўриш имконига бир вақтнинг ўзида эга бўладилар. Вақт ҳам тежаллади. Худди шундай талаффузи ва имлоси қийин бўлган ў, у, и, э унлилари; қ, нг ундошлари фонетик машқлар асосида ўргатилиши лозим.

Топшириқлар – билим олиш ва мустақил фикрлашга йўналтирувчи восита. Биргина топшириқни бажариш мобайнида бир нечта зарур нутқий кўникмани шакллантиришга эришиш технологияси. (Айланада кўрсатилган бешала кўникмани ҳам шакллантиришга имконият яратилади. 1.2-расм. Қаранг: дисс.49–51-б.)

1-топшириқ. Берилган ҳикматли сўзнинг маъносини тушунтиринг. Унда иштирок этаётган ундош товушларнинг ҳосил бўлиш ўрнини талаффуз асосида мустақил аниқланг. Ҳар бир сўзнинг маънодошини топиб ёзинг.

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,

Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Навоий

Таклиф этилаётган ўқув материаллари ўқитувчининг маҳоратига деярли боғлиқ бўлмайди. Уни бажариш учун ўқувчи ўқиш ва ёзишни билса кифоя. Топшириқ шунчаки тузилмаслиги, пухта ўйланган, мақсадли, кўп томонлама фойдали шаклда тузилса, дарсда вақтни унумли сарфлашга олиб келади. Топшириқлар биргина кўникмани ҳосил қилишга қаратилган бўлса (берилган жумлани унли ва ундошга ажратинг каби), у бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бир топшириқни бажариш мобайнида бир нечта кўникмани шакллантириш пайти аллақачон келган. Масалага шундай ёндашилса, ўқувчиларда нутқий компетенция автоматик тарзда ривожланиб бораверади. Юқорида келтирилган намунадаги сермахсул топшириқдан бир дарсда битта фойдаланилса, кифоя.

Топшириқнинг босқичлилиги ҳар томонлама ўйланган. Биринчидан, “Она тили”ни математика, физика, кимё каби мураккаб фанлар билан ўзаро муносабатини янада яхшилаш, яъни мазкур фанларда масалалар шартли босқичли эканлиги инобатга олиниб, она тили дарсларидаги топшириқлар структурасини ҳам шунга мослаш; иккинчидан ўқувчининг ўзлаштириш имконияти, савияси назарда тутилган. Масалан, уч босқичли топшириқ бўлса, биттасини тўлиқ бажарган “қониқарли”, иккитасини тўлиқ бажарган “яхши” ва учаласини ҳам тўлиқ бажарган ўқувчи “аъло” баҳоланиши кўзда тутилган. Бу ўқувчилар билимини баҳолашда ўқитувчига ҳам жуда қўл келади.

Бундан ташқари ишда фонетика ўқитишда иборалардан таҳлил материали сифатида фойдаланиш тавсия қилинди. Бу, албатта, топшириқлар асосида амалга оширилди.

2.3. § Фонетикага доир ўқув материалларини интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўқитиш йўллари. Ҳар қандай маълумотни қай даражада ўзлаштириш тингловчининг хоҳиш иродасига боғлиқдир. Психологик нуқтаи назардан дарсда, айниқса, янги дарс баёнида ўқувчини қизиқтириш лозим. Акс ҳолда, ҳаракат самарасиз бўлиши мумкин. Шу маънода фонетика ўқитишда ҳам турли ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш лозим.

Фонетика ўқитишда ўқув материалларни ўқувчиларга қайси метод орқали тушунтириш яхши натижа беради? Қуйида фонетикага доир ўқув материалларини ўқитишда қўл келадиган самарадор усуллар устида ишлаб, айтилган фикрларни айрим мисоллар билан асослашга ҳаракат қилинади. Фонетика бўлимини ўқитишда ўқитувчиларни, ўқувчиларни ҳам қийнайдиган мавзулардан бири урғудир. Мазкур мавзунини ўқувчиларга ўргатишда қуйидагича ёндашиш мумкин.

1. “Қиёслаш” усули. Бир предмет ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уни иккинчиси билан қиёслаш ўқувчида бирдан ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Шу маънода ўқувчига она тилини бошқа бир тилга ёки сўзни омонимига қиёслаб ўргатиш энг самарали усулдир. Ўқитувчи она тили дарсларида, хусусан, фонетика мавзусини тушунтираётганда ўқувчига имкон қадар у ўрганаётган бирор чет тилидаги зарурий билимлар билан таққосласа, дарс янада самарали бўлади. Ўқитувчининг таққосланаётган тилни қай даражада билиши натижага салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади.

